"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Янгийул Тиббиёт коллежи
раҳбари _______ Ж.Абилов

**БАЁННОМА № 5**

Янгийул тумани "14" ноябр 2022 йил

Раислик килувчи:
Янгийул Тиббиёт коллежи
хужалик мудири Р.Т.Нурматов

Қатнашчилар: комиссия аъзолари
(Х.Н.Юлдашев, Г.Ш.Валиева, А.М.Турсунбаева, К.К.Джунайдуллаева, Д.Ў.Алиева)

**КУН ТАРТИБИ**

Тошкент вилояти, Янгийул туманида жойлашган Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникумини жорий таъмирлаш бўйича

2022 йил 10 ноябрдаги Давлат харидлари комиссиясининг электрон портали оркали шаклланган "Тошкент вилояти, Янгийул туманида жойлашган Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникумини жорий таъмирлаш" баённомасига асосан эълон якунига кўра, комиссия аъзолари томонидан МЧЖ "FAROVON IDEAL STROY BIZNES" ташкилоти ғолиб деб топилганлигини инобатга олиб;

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ, 684-сон Конуннинг 62-моддаси 3-бандига асосан баённома Давлат харидлари электрон тизимига мухокама килиш учун икки иш кунига жойлаштирилган баённома бўйича хеч кандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун кабул килинсин.

Юкоридагилардан келиб чикиб, хамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 10 ноябрдаги баённомасига асосан МЧЖ "FAROVON IDEAL STROY BIZNES" ташкилоти ғолиб деб топилганлигини инобатга олиб, ташкилот билан конунчиликка асосан шартнома расмийлаштирилсин.

Раислик килувчи: _______ Р.Т.Нурматов

Комиссия аъзолари:

_______ Г.Ш.Валиева
_______ Х.Н.Юлдашев
_______ К.К.Джунайдуллаева
_______ А.М.Турсунбаева
_______ Д.Ў.Алиева

1-илова

Объектда бажариладиган таъмирлаш-монтаж ишлари

**Ж А Д В А Л И**

| Т/р | Ишлар тури ва номи | Жами киймати | 2022 йил учун таъмирлаш киймати | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 1-чорак | | | 2-чорак | | | 3-чорак | | | 4-чорак | | |
| | | | Январ | Феврал | Март | Апрел | Май | Июн | Июл | Август | Сентябр | Октябр | Ноябр | Декабр |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 |
| 1 | Тошкент вилояти. Янгийул туманида жойлашган Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникумини жорий таъмирлаш | 105 000 000 | | | | | | | | | | | 105 000 000 | |
| | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | |

Ишларнинг номи ва тури хар бир аник холда иншоотнинг хусусиятларига караб аниклаштирилади.

1. Мазкур жадвал шартнома (контракт)нинг иловаси хисобланади ва унинг ажралмас кисми деб каралади.
2. Келгуси йиллардаги таъмирлаш ишлари учун хам шундай график тузилади.

**БУЮРТМАЧИ:**

Янгийул Тиббиёт коллежи

Рахбар: ____________ А.Абилов

м.ў.

**ПУДРАТЧИ:**

МЧЖ "FAROVON IDEAL STROY BIZNES"

Рахбар: ____________ Туймабаев

м.ў.

## Объектларни фойдаланишга тайёр холда таъмирлашга доир пудрат шартномаси

**№ 2**

Янгийўл тумани 14.11.2022 й.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган **Янгийўл Тиббиёт коллежи** номидан **Низом** асосида иш кўрувчи **Ж.Абилов** бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган **"FAROVON IDEAL STROY BIZNES" mas'uliyati cheklangan jamiyati** номидан **Низом** асосида иш кўрувчи **Э.А.Туймабаев** иккинчи томондан Тошкент вилояти, **Янгийўл туманида жойлашган Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникумини жорий таъмирлашга** доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### I. Таърифлар

1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари — натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиклиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект жорий таъмирлашга ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда жорий таъмирлаш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

таъмирлаш майдони — мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси.

Объектнинг таъмирлаш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вақтинчалик иншоотлар — Пудратчи томонидан таъмирлаш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар — сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш — ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига **Тошкент вилояти, Янгийўл туманида жойлашган Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникумини жорий таъмирлаш** лойиҳада кўзда тутилган объектни фойдаланишга тайёр ҳолда таъмирлаш бўйича таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (Энг яхши таклифни танлаб олиш) натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг Қарори (10.11.2022 йилдаги 176414-лот баённомаси) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **105 000 000 (Бир юз беш миллион)** сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

таъмирлаш қийматининг кўпайтиришига енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг таъмирлашни бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Таъмирлаш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 1-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

1-иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

таъмирлаш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши ҳақида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

таъмирлаш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вактида атроф мухитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини мухофаза килиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;
таъмирлаш таваккалчиликларини сугурта килиш;
мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга кабул килиб олиш тўгрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда таъмирлаш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар хамда вактинчалик бинолардан бўшатиш;
таъмирлаш майдони кўрикланишини таъминлаш;
мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлик хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлик мулкий жавоб беради.

## V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:
мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага 1-иловага мувофик ишларни бажариш учун ярокли бўлган таъмирлаш майдонини объект курилиши ва таъмирлаш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлаш;
Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чикиш ва карор кабул килиш;
молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни кабул килиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини таклим этиш;
мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлик хажмда бажариш мажбуриятини олади.

## VI. Ишларни бажариш муддатлари

10. Шартнома:
миллий валюта «сўмда» ўзаро хисоб-китоб килинганда – томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;
кейинчалик ЭАВга конвертация килган холда миллий валютада «сўмда» ўзаро хисоб-китоб килинганда – шартнома конун хужжатларига мувофик рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова килинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аникланган курилишнинг давом этиш вакти ишлар бошланган кундан эътиборан 20 кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

## VII. Тўловлар ва хисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий кийматнинг **30% яъни 31 500 000 (Ўттиз бир миллион беш юз минг) сум** микдорида олдиндан тўловни амалга оширади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос хисобланади.

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни хисобга олган холда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофик объектнинг умумий шартномавий жорий кийматининг 70 фоизигача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий кийматининг колган таъмирлаш тугаллангандан кейин икки боскичда тўланадиган микдор фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил хисоб-китоб таъмирлаш тугаллангандан кейин ва объект кабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда кабул килингандан кейин икки боскичда;
объект кабул комиссияси томонидан кабул килинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида-ишлар кийматининг камида 70 фоизи микдорида;
мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин ишлар кийматининг 3 фоизигача микдорида, бирок молия йили тугамасдан амалга оширилади.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк хукукини ўзида саклаб колади. Объект Буюртмачига топширилгунга кадар объектнинг тасодифий йўк килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига кабул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган такдирда, Пудратчи бу хакда конун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор килган холда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор килиш хукукига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун хак тўлашдан озод килинмайди.

## VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи таъмирлаш майдонида ўз вакилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён килади.
Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## IX. Ишларни кўриклаш

39. Пудратчи ишлар бошланишидан таъмирлаш тугаллангунгача ва таъмирлаши тугалланган объект Буюртмачи томонидан кабул килиб олингунга кадар четлари тўсилган курилиш майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, курилиш техникаси ва бошка мол-мулк зарур даражада кўрикланишини таъминлайди.

40. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошка мол-мулк объект кабул килиб олинганидан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тўлик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.
Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч холатлари амал килган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг окибатлари бир ойдан кўп вактга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар кўрилишини мухокама киладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга хаклидир.

## XI. Таъмирлаши тугалланган объектни кабул килиб олиш

44. Таъмирлаши тугалланган объектни кабул килиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофик мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиши тугалланган объектларни фойдаланишга кабул килиб олишнинг белгиланган коидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўгрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 3 кун мобайнида кабул килиб олинади.

46. Пудратчи таъмирлаши тугалланган объектни кабул килиб олиш бошланишидан 2 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофик Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлик мос келишини ёзма равишда тасдиклаши керак.

47. Қабул килиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:
барча ишлар тўлик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
лойиха хужжатларига хамда курилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажариш сифатини;
ўзи томонидан таъмирлаш учун кўлланиладиган таъмирлаш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентлар ёки стандартларга мувофиклигини;
ишларни кабул килиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вактида бартараф килишини;
объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиклигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар курилиши тугалланган объектни кабул килиб олиш тўгрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолатли муддати камида Объектни том кисми кафолат муддати ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланиб, улар бартараф этилгунга кадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аникланса, у холда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.
Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида кайд этилади.
Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб колиш хукукига эга.

51. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган такдирда, уларни текшириб чикиш «Давархитекткурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иктисодий судга мурожаат килишини истисно этмайди.

## XIII. Шартномани бекор килиш

52. Буюртмачи:

томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиклигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш хукукига эгадир.

22. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган таъмирлаш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни хал килиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда катнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиклаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-курилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Таъмирлаш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

26. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вактда Пудратчига ортикча тупрок ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги хужжатларни беради.

27. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда таъмирлаш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка килиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини такдим этади.

28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўкларининг мувофиклиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.
Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аникланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган холда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

30. Таъмирлаш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нукталарида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан таъмирлаш да кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, техник регламентларга ёки стандартларга мувофик бўлишини хамда уларнинг сифатини тасдикловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка хужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

32. Алохида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига караб уларни кабул килиш бошланишидан 3 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитекткурилишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор килади.

33. Кабул килинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралик кабул килиш далолатномалари хамда уларнинг «Давархитекткурилишназорат» инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдикланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу хакда хабардор килинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор килинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган кисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чикишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа, у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш кийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хатбошида кўрсатилган холлар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши окибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи таъмирлаш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода саклайди, курилиш даврида майдондан таъмирлаш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чикариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида ахамиятга эга бўлган холлар ва холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг кабул килиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вактида етказиб берилмаслиги билан боғлик тўхтаб колишлар, таъмирлаш техникасининг ишдан чикиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

шартнома кучга киргандан кейин таъмирлашнинг бошланишини Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:
ишларнинг бажарилишини Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:
иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;
Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 0,7 фоизидан ошмаслиги лозим.
Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 0.1 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

61. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.2 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 0.3 фоизидан ошмаслиги лозим.
Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,2 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.3 фоизидан ошмаслиги керак.
Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ни хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0,2 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

64. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

## XVI. Коррупцияга қарши курашиш бўйича бандлар

66. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш доирасида томонлар коррупцияга карши курашиш коидаларига, шу жумладан амалдаги конун хужжатларига риоя етилишини таъминлайди; уларнинг ходимлари, филиаллари, бенефициарлари ва уларнинг шериклари, шартномани бажариш бўйича пора бериш ёки олиш, порахўрликда воситачилик килиш, давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора беришдан воз кечишларини таъминлаш ёки моддий ёки номоддий фойда олиш хамда томонлар ушбу харакатларнинг олдини олиш чораларини кўришини кафолатлайди.

67. Коррупцияга карши кураш коидалари бузилган ёки асосли шубхалар юзага келган такдирда томонлар бир-бирларини дархол ёзма равишда (антисорруптион@укс.уз) електрон почта оркали ёки телефон оркали (+9978-140-74-48) хабардор килиш мажбуриятини оладилар. Томонлар вазиятга ойдинлик киритиш максадида ёзма тушунтириш талаб килишга хакли. Мурожаатни кабул килган Томон еса 10 (ўн) иш куни ичида ўз фикрини билдириши ёки изох бериши мумкин.

68. Ушбу бандаги талаблар бажарилмаганда, шу жумладан, коррупция хавфини белгиланган муддатда бартараф етиш, тарафлар томонидан коррупцияга оид вазиятнинг пасайишига олиб келадиган чоралар кўрилмаган такдирда, бошка томон шартномани бекор килиш ёки унинг бажарилишини тўхтатиб туришга хакли.

69. Ушбу банда назарда тутилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор килишни талаб килган тарафга етказилган зарарни коплаш ушбу шартноманинг 5-бандида назарда тутилган тартибда амалга оширилади, шу билан бирга ушбу банда назарда тутилган мажбуриятларини бузган томон шартномани бир томонлама бекор килиш натижасида етказилган зарарлар учун компенсацияни талаб килишга хакли емас.

## XVII. Алохида шартлар

70. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўкотади.

67. Пудратчи курилиш объектига ёки унинг алохида кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташкари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.

71. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва кўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, хакикий хисобланади.

72. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган хар кандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага кўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиклаши керак.

73. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин таъмирлаш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод килиш санасигача бажарилган ишлар учун унга хак тўлашни кечиктиришга хаклидир.

74. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари кўлланилади.

75. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 3 нусхада тузилди.

76. Шартнома амал килиш муддати **2022 йил 31 декабргача.**

## XVIII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

| **Буюртмачи:** | **Пудратчи:** |
|---|---|
| **Янгийўл Тиббиёт коллежи** | **"FAROVON IDEAL STROY BIZNES" МЧЖ** |
| Манзил: Янгийўл т. Тошкент шох кўчаси | Манзил: Янгийул т., Э.Ковунчи, Ж.Сапаров |
| Х/р: 400910860272597092902054001 | Х/р: 20 208 000 405 480 529001 |
| Янгийул тумани Газначилик бўлинмаси | Х/р:______________________________ |
| Газначилиги х/р: 23402000300100001010 | ИНН: 309 206 162 |
| ИНН: 201122919 ИНН: 200470154 | МФО: 01 037 |
| Банк: Тошкент шахар МБ ХККМ. | Банк: АТБ "Кишлок Курилиш Банк" Янгийул |
| МФО: 00014 | бош.амал |
| Рахбар: ______ **Ж.Абилов** | Рахбар: ______ **Э.А.Туймабаев** |



юрист: Ч.Т. Бўгкарамев

4687534

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"FAROVON IDEAL STROY BIZNES" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning — tadbirkorlik subyektining [illegible] to'liq nomi)

"FAROVON IDEAL STROY BIZNES" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

16.01.2022 1084076 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 309206162

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Toshkent viloyati, Yangiyo'l tumani, Eski Qovunchi, Ж Сапарова, 45,

Guvohnoma: Toshkent viloyati, Yangiyo'l tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)

**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 176414 на приобретение Жорий таъмирлаш.**

Способ проведения электронный

Дата 10.11.2022

Время рассмотрения 10.11.2022 11:21

Закупочная комиссия Янгийул тиббиет коллежи, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | NURMATOV RAVSHAN TASHMAXAMATOVICH | хужалик мудири | персидатель |
| **Секретарь комиссии** | ALIYEVA DILDORA O'KTAM QIZI | ички назорат инспектори | янгийулжст |
| **Член комиссии** | DJUNAYDULLAYEVA KAMOLAT KARIMJANOVNA | bosh hisobchi | texnikum |
| **Член комиссии** | TURSUNBAYEVA AZIZA MAXAMADJON QIZI | хисобчи | янгийул жст |
| **Член комиссии** | YULDASHEV XAYRULLA NAMOZOVICH | касаба уюшмаси раиси | Янгийул ЖСТ |
| **Член комиссии** | VALIYEVA GULCHEXRA SHAVKAT QIZI | зам директор | Янгийул ЖСТ |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 10.11.2022 года № лота 176414.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 100.00 / Весовой коэф. ценовой части: .00)

Мин. балл: 40

Предмет закупки:

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по текущему ремонту зданий** |
| Подробное описание | Тошкент вилояти, Янгийул туманида жойлашган Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникумини жорий таъмирлаш. |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 107 508 870.00 |
| Стартовая сумма | 107 508 870.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Эълон амал қилиш даврида иштирокчининг ДСИдан ва бошқа мажбурий тўловлардан қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисида ҳужжатлар (танлов бошланиш даврига).

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **МЧЖ** "STROY PLYUS IDEAL" | 20 | 20 | 19 | Экспертная | | |
| **МЧЖ** " FAROVON IDEAL STROY BIZNES" | 20 | Эълон амал қилиш даврида иштирокчининг ДСИдан ва бошқа мажбурий тўловлардан қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисида ҳужжатлар. | 20 | Экспертная | | |
| SHAVKATBEK NAVO MCHJ | 20 | хат | 10 | Экспертная | | |

Критерий №2 Маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилотнинг техник базаси тўғрисида маълумот (Маълумот илова қилинган холда).

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **МЧЖ** "STROY PLYUS IDEAL" | 20 | 20 | 20 | Экспертная | | |
| **МЧЖ** "FAROVON IDEAL STROY BIZNES" | 20 | Техника базаси тўғрисида маълумот. | 20 | Экспертная | | |
| SHAVKATBEK NAVO MCHJ | 20 | хат | 0 | Экспертная | Дисквалифицирован | |

Критерий №3 Маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилотга хизмат кўрсатувчи банкдан 2022 йил танлов бошланиш даврига айланма обороти ва картотека-2 да қарз мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **МЧЖ** "STROY PLYUS IDEAL" | 20 | 20 | 20 | Экспертная | | |
| **МЧЖ** "FAROVON IDEAL STROY BIZNES" | 20 | Банкдан маълумотнома. | 20 | Экспертная | | |
| SHAVKATBEK NAVO MCHJ | 20 | хат | 20 | Экспертная | | |

Критерий №4 Кафолат хати.

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишлатиладиган товар ва хом ашёларнинг сифати, кафолат муддати, ўрнатиладиган қурилмаларга 12 (Ўн икки) ой давомида кафолат бериши ва бепул техник хизмат кўрсатиш кафолати.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **МЧЖ** "STROY PLYUS IDEAL" | 20 | 20 | 20 | Экспертная | | |
| **МЧЖ** "FAROVON IDEAL STROY BIZNES" | 20 | Кафолат хатлари. | 20 | Экспертная | | |
| SHAVKATBEK NAVO MCHJ | 20 | хат | 5 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **МЧЖ** " FAROVON IDEAL STROY BIZNES" | 107 508 870.00 | 105 000 000.00 UZS | 105 000 000.00 | 00.00 | 105 000 000.00 | 09.11.2022 16:18:09 | 0 |
| **МЧЖ** "STROY PLYUS IDEAL" | 107 508 870.00 | 107 500 000.00 UZS | 107 500 000.00 | 00.00 | 107 500 000.00 | 09.11.2022 10:04:48 | 0 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| SHAVKATBEK NAVO MCHJ | Не прошел | Не прошел | Не прошел |
| **МЧЖ** "FAROVON IDEAL STROY BIZNES" | 100 | 0 | 100 |
| **МЧЖ** "STROY PLYUS IDEAL" | 98.75 | 0 | 98.75 |

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 176414 от 10.11.2022 года на приобретение Жорий таъмирлаш. определила победителем:

МЧЖ "FAROVON IDEAL STROY BIZNES"
309206162

и резервный исполнитель: МЧЖ "STROY PLYUS IDEAL" (307242889)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | NURMATOV RAVSHAN TASHMAXAMATOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | DJUNAYDULLAYEVA KAMOLAT KARIMJANOVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | TURSUNBAYEVA AZIZA MAXAMADJON QIZI | Согласен | |
| **Член комиссии** | YULDASHEV XAYRULLA NAMOZOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | VALIYEVA GULCHEXRA SHAVKAT QIZI | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП